

III. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚЧИЛИК ХЎЖАЛИГИ




2021 йилнинг январь-март ойларида ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажм 3 877,8 млрд. сўмни ёки 2020 йилнинг шу даврига нисбатан 102,8 %, шу жумладан, деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ҳамда ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар ҳажми 3 654,2 млрд. сўмни (102,8 %), ўрмончилик хўжаликларида 182,6 млрд. сўмни (102,2 %), балиқчилик хўжаликларида 41,0 млрд. сўмни (106,2 %) ташкил қилди.

Хусусан, юқори ўсиш суръатлари Оҳангарон (110,6 %), Олмалик (106,1 %) шаҳарларида, Оққўрғон (105,1 %), Қуйичирчиқ (104,6 %), Паркент (104,4 %) туманларида кузатилди. Бунга қарама-қарши равишда Тошкент (100,8) ва Қибрай (101,3%) туманларида паст ўсиш суръатлари билан яқунланди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиқларининг ишлаб чиқарилган
(кўрсатилган хизматлар) ҳажмда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик
субъектлари улуши


| | 2021 йил январ-март, млрд. сўм | ўтган йилнинг шу даврига нисбатан, %да | жамига нисбатан улуши, %да |
|------------------------|--------------------------------------|---|----------------------------------|
| Тошкент вилояти | 3593,1 | 102,6 | 92,7 |
| <i>шаҳарлар:</i> | | | |
| Нурафшон | 27,7 | 103,3 | 100,0 |
| Олмалиқ | 14,0 | 105,8 | 96,0 |
| Ангрен | 39,4 | 104,4 | 90,2 |
| Бекобод | 38,6 | 104,3 | 99,9 |
| Оҳангарон | 8,8 | 110,7 | 99,2 |
| Чирчиқ | 32,2 | 103,9 | 100,0 |
| Янгийўл | 5,0 | 104,4 | 99,9 |
| <i>туманлар:</i> | | | |
| Оққўрғон | 231,7 | 105,3 | 99,9 |
| Оҳангарон | 188,5 | 101,5 | 95,1 |
| Бекобод | 273,7 | 102,7 | 98,9 |
| Бўстонлик | 255,2 | 102,9 | 92,0 |
| Бўка | 230,6 | 103,0 | 99,5 |
| Қуйичирчиқ | 170,3 | 105,4 | 91,7 |
| Зангиота | 347,9 | 101,0 | 90,6 |
| Юқоричирчиқ | 209,6 | 103,7 | 98,0 |
| Қибрай | 217,8 | 100,4 | 79,1 |
| Паркент | 193,8 | 104,4 | 99,8 |
| Пискент | 130,9 | 101,9 | 80,5 |
| Ўртачирчиқ | 275,5 | 102,0 | 89,9 |
| Чиноз | 226,0 | 102,4 | 99,9 |
| Янгийўл | 270,5 | 103,6 | 90,6 |
| Тошкент | 201,4 | 99,6 | 93,4 |

2021 йилнинг январь-март ойларида ҳудудлар бўйича қишлоқ, ўрмон
ва балиқчилик хўжалигида ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ҳажм,
млрд. сўмда



Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулотларининг (хизматлари)нинг катта ҳажми Зангиота туманида - 383,9 млрд. сўмни ташкил этиб, ҳудудлар бўйича юқори кўрсаткични ташкил қилди. Ўртачирчиқ ва Янгийўл туманларида мос равишда 306,4 млрд. сўм ва 298,4 млрд. сўм кузатилди. Энг кам ҳажми Янгийўл (5,0 млрд. сўм) ва Оҳангарон (8,9 млрд. сўм) шаҳарларида қайд этилди.

**Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулотлар (хизматлар)
умумий ҳажмида ҳудудларнинг улуши**



Вилоятнинг қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулотлари (хизматлари)нинг умумий ҳажмида Зангиота туманининг улуши 10,0 % ни ташкил этиб, ҳудудлар бўйича юқори кўрсаткични ташкил қилди. Ўртачирчиқ - 8,1 %, Янгийўл - 7,8%, Бўстонлик - 7,2 % ва Бекобод - 7,2 % туманлари кейинги ўринларни эгаллади. Энг кам улуш Янгийўл (0,1 %), Оҳангарон (0,2%), Олмалиқ (0,4 %) ва Нурафшон (0,7 %) шаҳарларида қайд этилди.

Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг
хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши




2021 йилнинг январь-март ойларида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмининг ўсиши 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 102,8 %ни, шу жумладан, деҳқончилик маҳсулотлари 101,9 %ни, чорвачилик маҳсулотлари 102,8 %ни ташкил қилди.

Деҳқончилик. 2021 йилнинг январь-март ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 13,8 минг тонна сабзавот (100,5 %) йиғиб олинди.

**2021 йилнинг январь-март ойларида ҳудудлар кесимида асосий
турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш**

Ҳудудлар кесимида йиғиб олинган сабзавот ҳосили таҳлил қилинганда, юқори кўрсаткичлар Зангиота (3266 тонна), Тошкент (2875 тонна) ва Чиноз (2129 тонна) туманларига тўғри келиб, паст кўрсаткичлар Олмалик (1 тонна), Оҳангарон (3 тонна) ва Ангрэн (3 тонна) шаҳарларига тўғри келди.


**Сабзавот
(тонна)**



Чорвачилик. 2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан йирик шохли қорамоллар 101,6 %га (жами 897,4 минг бошни ташкил қилди), шу жумладан сигирлар 100,9 %га (373,9 минг бош), қўй ва эчкилар 101,9 %га (963,1 минг бош), отлар 103,0 %га (53,0 бош), паррандалар 101,0 %га (15,2 млн. бошга) кўпайди.

Барча ҳудудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 86,0 %ни, сут ишлаб чиқаришда 95,7 %ни, тухум ишлаб чиқаришда 56,2 %ни ташкил этди.

**2021 йил 1 апрель ҳолатига ҳудудлар кесимида
чорва моллари ва паррандалар бош сони**



Энг кўп қўй ва эчкилар Оҳангарон (225,1 минг бош), Бўстонлик (151,2 минг бош) ва Паркент (95,6 минг бош) туманларида бўлса, аксинча паст кўрсаткичлар Янгийўл (0,9 минг бош), Оҳангарон (1,7 минг бош) ва Нурафшон (3,4 минг бош) шаҳарларига тўғри келди.

Паррандалар сони бўйича энг юқори кўрсаткич Зангиота (4020,8 минг бош), Қибрай (2084,6 минг бош), Бўстонлиқ (1528,1 минг бош) ва Пискент (1382,1 минг бош) туманларида бўлса, аксинча паст кўрсаткич Янгийўл (4,9 минг бош) ва Нурафшон (6,2 минг бош) шаҳарларида кузатилди.

2021 йил 1 январ ҳолатига чорва моллари ва паррандалар бош сони

| | <i>минг бош</i> | <i>ўсиш суръати, %да</i> |
|---|-----------------|------------------------------|
| Йирик шохли қорамол | 897,4 | 101,6 |
| <i>шу жумладан:</i> | | |
| фермер хўжаликлари | 76,2 | 107,9 |
| деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 781,1 | 101,0 |
| қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 40,1 | 100,3 |
| Улардан сизирлар | 373,9 | 100,9 |
| <i>шу жумладан:</i> | | |
| фермер хўжаликлари | 24,7 | 113,3 |
| деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 337,9 | 100,1 |
| қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 11,3 | 101,8 |
| Қўй ва эчкилар | 963,1 | 101,9 |
| <i>шу жумладан:</i> | | |
| фермер хўжаликлари | 281,2 | 115,0 |
| деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 645,9 | 97,1 |
| қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 36,0 | 100,8 |
| Отлар | 53,0 | 103,0 |
| <i>шу жумладан:</i> | | |
| фермер хўжаликлари | 8,6 | 120,3 |
| деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 42,4 | 100,1 |
| қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 2,0 | 102,8 |

| | минг бош | ўсиш суръати, %да |
|---|-----------------|----------------------|
| Паррандалар | 15 171,9 | 101,0 |
| <i>шу жумладан:</i> | | |
| фермер хўжаликлари | 431,5 | 78,5 |
| деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 8 745,4 | 94,7 |
| қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 5 995,0 | 114,6 |


**Чорва моллари ва паррандалар бош сонидан
хўжаликлар тоифаларининг улуши**



Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 87,0 %ни, фермер хўжаликларида эса 8,5 %ни, шу жумладан, сигирлар мос равишда 90,4 %ни ва 6,6 %ни, қўй ва эчкилар 67,1 %ни ва 29,2 %ни, отлар 80,0 %ни ва 16,3 %ни, паррандалар 57,6 %ни ва 2,8 %ни ташкил этди.

2021 йилнинг январь-март ойларида барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазн ҳисобида 69,0 минг тонна гўшт (2020 йилнинг январь-мартига нисбатан 1,4 %га кўп), 157,4 минг тонна сут (0,4 %га кўп), 242,1 млн. дона тухум (4,6 %га кам) ишлаб чиқарилган.

Йирик шохли қорамоллар (минг бош)



шу жумладан: сигирлар (минг бош)




Йирик шохли қорамоллар худудлар кесимида таҳлил қилинганда, энг юқори кўрсаткич Бўстонлик (80,0 минг бош), Бекобод (74,6 минг бош) ва Бўка (70,6 минг бош) туманларида, аксинча паст кўрсаткич Олмалик (2,3 минг бош), Янгийўл (2,5 минг бош) ва Оҳангарон (4,0 минг бош) шаҳарларида кузатилди.

Шу жумладан, сигирлар энг юқори кўрсаткич Бўка (39,4 минг бош) ва Янгийўл (32,1 минг бош) туманларига, аксинча паст кўрсаткич Янгийўл (0,3 минг бош) ва Оҳангарон (0,4 минг бош) шаҳарларига тўғри келди.


**2021 йил январь-март ойларида ишлаб чиқарилган
чорвачилик маҳсулотлари**

| | <i>миқдори</i> | <i>ўсиш суръати, %да</i> |
|---|----------------|------------------------------|
| Гўшт (тирик вазнда), минг т | 69,0 | 101,4 |
| <i>шу жумладан:</i> | | |
| фермер хўжаликлари | 1,6 | 86,2 |
| деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 57,7 | 103,5 |
| қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 9,6 | 92,9 |
| Сут, минг т | 157,4 | 100,4 |
| <i>шу жумладан:</i> | | |
| фермер хўжаликлари | 8,5 | 100,6 |
| деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 142,1 | 100,3 |
| қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 6,8 | 103,5 |
| Тухум, млн. дона | 242,1 | 95,4 |
| <i>шу жумладан:</i> | | |
| фермер хўжаликлари | 9,8 | 80,2 |
| деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 126,3 | 103,6 |
| қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 106,1 | 88,6 |

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби
(ишлаб чиқариш умумий ҳажмига нисбатан % ҳисобида)




2021 йилнинг январь-март ойларида ҳудудлар кесимида асосий турдаги
чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш



2021 йилнинг январь-март ойларида гўшт ишлаб чиқариш ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда, энг кўп ишлаб чиқарган ҳудудлар Зангиота (6,9 минг тонна), Ўртачирчик (5,9 минг тонна) ва Янгийўл (5,4 минг тонна) туманлари бўлса, Янгийўл (0,1 минг тонна), Оҳангарон (0,2 минг тонна) ва Олмалиқ (0,4 минг тонна) шаҳарларида эса кам ишлаб чиқарилган.

Бўстонлик (15,2 минг тонна), Юқоричирчик (13,9 минг тонна), Бекобод (13,3 минг тонна) ва Янгийўл (11,4 минг тонна) туманлари сут ишлаб чиқариш бўйича юқори кўрсаткичлардан ўрин олган бўлса, аксинча Тошкент (6,6 минг тонна) ва Чиноз (8,4 минг тонна) туманлари сут ишлаб чиқариш бўйича нисбатан паст кўрсаткичлардан ўрин эгаллади.

Тухум (млн. дона)



Вилоятда тухум ишлаб чиқариш бўйича 2021 йилнинг январь-март ойларида энг юқори кўрсаткич Қибрай (57,7 млн. дона), Ўртачирчиқ (36,6 млн. дона) ва Зангиота (36,2 млн. дона) туманларида, аксинча паст кўрсаткич Бекобод (0,3 млн. дона), Нурафшон (0,4 млн. дона) Олмалик (0,5 млн. дона) ва Янгийўл (0,5 млн. дона) шаҳарларида кузатилди.

Фермер хўжаликлари. 2021 йилнинг январь-март ойларида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 159,3 млрд. сўмни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмида фермер хўжаликларининг улуши 4,4 %ни ташкил этди.

2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига фермер хўжаликларида 76,2 минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан, 24,7 минг бош сигир, 281,2 минг бош қўй ва эчкилар, 8,6 бош от, 431,5 минг бош паррандалар мавжудлиги тасдиғини топди.

2021 йил январь-март ҳолатига фермер хўжаликлари томонидан ишлаб
чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари

| | январь-март | | | | 2020 январь- мартга нисбатан % ҳисобида |
|--------------------|-------------|---|----------|---|--|
| | 2020 йил | | 2021 йил | | |
| | тонна | ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, % | тонна | ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, % | |
| Дон | - | - | - | - | - |
| Картошка | - | - | - | - | - |
| Сабзавот | 1 340,0 | 9,8 | 1 309,0 | 9,5 | 97,7 |
| Полиз | - | - | - | - | - |
| Мева ва резаворлар | - | - | - | - | - |
| Узум | - | - | - | - | - |
| Гўшт, тирик вазнда | 1 858,0 | 2,7 | 1 602,0 | 2,3 | 86,2 |
| Сут | 8 440,0 | 5,4 | 8 490,0 | 5,4 | 100,6 |
| Тухум, млн. дона | 12,2 | 4,8 | 9,8 | 4,0 | 80,2 |
| Жун | - | - | - | - | - |
| Пахта | - | - | - | - | - |
| Пилла | - | - | - | - | - |